

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ БОЗОРИДА
АЁЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ**

Бобаназарова Жамила Холмуродовна

Жиззах политехника институти профессори, и.ф.д.

**Мавланова Наргиза Эшқўзиевна
тадқиқотчи**

Аннотация: Уибӯ мақолада аёллар иши билан бандлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солишнинг турли механизmlари, уларнинг иши билан бандлигини давлат томонидан тартибга солиши чоралари ва воситалари аниқланиб, иқтисодиётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, аёллар самарали иши билан бандлигини таъминлашни такомиллаштиришига доир тавсиялар таклиф қилинган.

Таянч тушунчалар: аёллар иши билан бандлиги, ишсизлик, ишчи кучига талаб ва таклиф, ижтимоий механизmlар, масофавий меҳнат, тадбиркорлик.

**INCREASING ECONOMIC ACTIVITY OF WOMEN IN THE LABOR
MARKET OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

BOBANAZAROVA JAMILA KHOLMURODOVNA

Jizzax Polytechnic Institute Professor, i.f.d.

**MAVLANOVA NARGIZA ESHKOZIEVNA
Researcher**

Basement: This article identifies various mechanisms of state regulation of women's employment, measures and means of state regulation of their employment, as well as offers recommendations to increase the effective employment of women, based on the real needs of the economy.

Keywords: women's employment, unemployment, labor supply and demand, social mechanisms, remote labor, entrepreneurship.

Дунёда 30,5 фоиздан зиёд оила ўз даромадларининг асосий манбайи бўлган аёлларнинг иш ҳақи ҳисобига яшайди, Европада 60,5 фоиз оиласда

аёлларнинг даромадлари бюджетнинг ярмини ёки ундан кўпроғини ташкил этади. Дунёнинг 142 давлатида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра аёлларнинг 29,0 фоизи иш хақи тўланадиган ишда, 41,2 фоизи оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш ва иш билан банд бўлиш, фақат 27,5 фоиз аёллар эса иш билан банд бўлишни хоҳламайдилар»¹.

Глобаллашув даврида аёллар ишсизлиги муаммоси, унинг ўзига хос хусусиятлари умумий ижтимоий сиёсатда бу борадаги йўналишлар ва устуворликларни ишлаб чиқишни тақазо қиласди. Чунки жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида аёллар ижтимоий дискриминацияси асосида уларнинг эркаклар билан ижтимоий тенгсизлиги ифодаланадики, мазкур ўзгаришлар умумий ишлар сонида аёллар салмоғининг ошиб боришида ҳам ифодаланади.

Мехнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ўрганиш иқтисодчи олимларнинг доимий диққат марказларида бўлган, жумладан, МДХ давлатлари олимларидан Л.С.Ржаницынанинг фикрича² «Аёл-она, ишчи, ходим ва уй бекаси, бу икки тарафлама оғирликни бирга қўшиб олиб бориш учун аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим бу жараённи гендер тенглиги даражасида ўрганиб, нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлик балки, уларнинг оилавий муаммолар, болалар тарбияси билан машғуллигини енгиллатиш керак».

Академик Қ.Х.Абдураҳмоновнинг эътироф этишича³ «Иш билан бандлик деганда ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш анганилса, аёлларга нисбатан эса бу «икки тарафлама иш билан бандлик», яъни уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, шунингдек оилавий майший соҳада бандлиги назарда тутилади» деб эътироф этган. Аммо миллий меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллиги эркакларга қараганда нисбатан пастроқ. Унинг асосий сабаби аёллар кўпроқ уй юмушларини бажаришга ва болаларни парваришилашга эътибор қаратишади. Иш билан банд аёлларнинг маълумот

¹Towards a better future for women and work: Voices of women and men. MOT Preventing Discrimination, Exploitation and Abuse of Women Migrant Workers: An Information Guide, 2017. DOI: <http://dx.doi.org/10.1017/S1365100500656>

²Ржаницына Л.С. Женщины и рынок труда. М.: Политиздат, 2000. -75-76 с.

³Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.-129-140 б.

даражаси эркакларнидан юқоририоқ бўлса ҳам, аёллар жамлаган инсон капиталидан тўғри фойдаланишни билмаганлиги, меҳнат муносабатлари соҳасида гендер тенгсизлигига учрамоқдалар⁴.

Шунингдек, маълумот даражаси ва касбий малака тайёргарлиги замонавий шароитларга мос бўлган аёлларни иқтисодиётнинг трансформация даври кечаётган шароитда ҳозирги шарт-шароитларга тўлалигача кўникмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса маҳсус меҳнат тартиби ва муайян шароитлар яратиш зарурлиги аёл ишчи кучига бўлган талаб камайишига сабаб бўлмоқда, натижада аёллар ишсизлиги ортиб бормоқда. Шу билан бирга жиддий салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар ишчи кучининг тўлиқ иш билан банд бўлмаслиги жамият учун катта иқтисодий ва ижтимоий йўқотишлиарга сабаб бўлмоқда. Ана шундай шароитда иқтисодиётни ривожлантиришни замонавий тенденцияларининг энг муҳим макроиктисодий хусусияти сифатида аёллар иш билан бандлигини давлат томонидан тартибга солиш чоралари ва воситаларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасида ишсизлар сони жинсий таркибининг ўзгаришига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишсизлар сони жинсий таркибининг ўзгариши, минг киши⁵

Кўрсаткичлар	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й	2020 й.	2020 й.да 2010 й.га нисб. %да
Жами ишсизлар сони, шундан:	658,2	626,3	687,0	724,0	1368,6	1561,1	114,0
аёллар	353,4	275,4	301,5	317,5	722,2	899,2	124,5
эркаклар	304,8	350,9	385,5	406,5	646,4	661,9	102,3

²Ирматова А.Б.«Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги и.ф.д.илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент, 2021. 17-18 б.

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан мамлакатда жами ишсизлар сони 114,0 %га ортган. Ўз навбатида, аёллар орасидаги ишсизлар сони 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 124,5 %га ортиб борган. Таҳлил натижаларига асосланиб, таъкидлаш лозимки, ишсиз аёлларнинг иш билан бандлигини ошириш ва бу борада юзага келадиган муаммо, тўсиқларни камайтириш бўйича иш билан бандлик соҳасида давлат миқиёсида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун ишсиз аёлларнинг аниқ гуруҳларини аниқлаб, уларнинг иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш, бандлик дастурларини ишлаб чиқишига замонавий ёндашувларни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Янги Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, аёллар бандлигини ошириш, уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек⁶ “Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-хунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арzon уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартда “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-81-сон фармони ва “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ПҚ-146-сон қарорида оила институтини мустаҳкамлаш ва

⁵Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда\\Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интерьюси 17.08.2021\\ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Бу қонунчилик ҳужжатларида хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш, худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, тураг жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни «Аёллар дафтари» орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, жамиятда хотин-қизларга тазиик ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оиласиб қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021-2030 йилларда аҳоли бандлигига қўмаклашиш Стратегияси белгиланган бўлиб, унинг асосий мақсади бандлик қўламини кенгайтириш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш орқали меҳнат бозорлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қўмаклашишдан иборат. Бунга 2021-2025 йилларда Стратегияда белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш учун хуқуқий, ташкилий, ахборот таъминоти билан боғлиқ ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш орқали эришилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ишсиз фуқаролар, жумладан аёлларни ишга жалб қилиш борасида кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошироқда:

- меҳнат органлари билан ҳамкорликда ишсизларга кўрсатиладиган бандлик хизматлари ва маҳалладаги ишсизларни меҳнат органлари йўлланмалари орқали бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлаштиришга кўмаклашилади;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган ҳар бир фуқарога меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 1 баробаридан 2 баробаригача миқдорда ҳақ тўланади (*822,3 минг сўмдан - 1,6 млн.сўмгacha*) *Ишсиз шахслар касбга ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакасини оширилади ҳамда ўқии даврида стипендия тўланади (616,5 минг сўмдан-822 минг.сўмгacha)*;
- ишсиз шахслар касбга ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакасини оширилади ҳамда ўқиш даврида стипендия тўланади (*616,5 минг сўмдан-822 минг.сўмгacha*);
- тадбиркорлик қилишни хоҳловчиларга - рўйхатдан ўтиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда сугурта полиси тўлови учун БҲМнинг 10 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади (*2,7 млн.сўмгacha*);
- тикувчилик, ҳунармандчилик, асаларичилик, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги бирлашмаси кооперативга ҳар бир аъзо бўлган ишсиз фуқаронинг улуши учун БҲМ нинг 15 баравари миқдорида субсидия ажратилади (*4,05 млн.сўмгacha*);
- аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан қуйидаги субсидиялар ажратилади: енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – БҲМ нинг 30 бараваригача (*8,1 млн.сўм*), сугориш воситаси харид қилиш учун – БҲМ нинг 10 бараваригача (*2,7 млн.сўм*), уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – БҲМ нинг 3 бараваригача (*810,0 минг.сўм*).

Тадқиқот натижаларига асосланиб, меҳнат бозорида аёлларнинг фаоллиги самарадорлигини оширишнинг стратегик концепциясини таклиф

этамиз. Унда бош мақсад сифатида аёллар иш билан бандлигини таъминлаш бўйича асосланган ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиш, меҳнат соҳасида гендер тенгликка эришиш бўлиб, меҳнатга лаёқатли аёлларнинг оқилона иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Towards a better future for women and work: Voices of women and men. MOT Preventing Discrimination, Exploitation and Abuse of Women Migrant Workers: An Information Guide, 2017. DOI: <http://dx.doi.org/10.1017/S1365100500656>
2. Ржаницына Л.С. Женщины и рынок труда. М.: Политиздат, 2000. -75-76 с.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. -Т.: Fan va texnologiya, 2012. -129-140 б.
4. Ирматова А.Б. «Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги и.ф.д.илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент, 2021. 17-18 б.
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда\\Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интерьюси 17.08.2021\\ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>